

## Тўгараклар

Електротехнологиялар ва электр жиҳозларидан фойдаланиш” кафедрасида «Ёш энергетиклар» тўгараги мавжуд бўлиб, ҳозирги кунда тўгаракга магистратура талабаларидан 4 нафар, бакалаврият талабаларидан 134нафар талабабалар аъзо бўлганлар. Тўгарак иштирокчилари электр хавфсизлик қойидалари, маиший электр жиҳозларидан фойдаланиш ва таъмирлаш, электромонтаж технологияси, ёритиш қурилмаларини монтажи, электр ҳисоблагичларни тармоққа улаш ва ҳисоблаш, гуруҳли шитларни йиғиш каби мавзулар бўйича билим ва кўникмага ега бўладилар. Кафедрадаги барча профессор-ўқитувчилари тўгаракга аъзо талабаларга бириктирилиб, тўгарак иш режаси, машғулотларни олиб бориш графиги тузилган. Машғулотлар графигига асосан тўгарак аъзолари хафтанинг сешанба ва жума кунлари 15:00 дан 18:00гача Е бино Е-3 лаборатория боксидида машғулотлар ўтказишади. Тўгарак масъул раҳбари кафедра ассистенти Джумабайева Зулфизархон Зокирхон қизи тел: +998(97) 157-53-23.